

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 8-oktabr, chorshanba № 80 (15822)

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Андижон вилоятига таширф буюрди.

Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётди.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми мутасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошиқ майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиш, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди

давлатимиз раҳбари.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгаллик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серхосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислон Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваламбор, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимга мос навларни экиш керак.

(Давоми 2-саҳифада)

«Saylov — 2014»

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади.

БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРДИ

Шу билан бирга, сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг партияни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш жараёни якунланди. Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим.

6 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Шундай қилиб, барча сиёсий партиялар: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-де-

мократик партияси парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини давом эттирмоқда. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор.

Имзо варақаларини текшириш жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам иштирок этапти.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган муддатда партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

ЎЗА



Istiqlol farzandlari

Уч йиллик изланиш маҳсули


Йирик саноат корхоналари, айниқса, цемент ва темир-бетон, ун, шакар заводларидан чиқадиган чанг ва кўз илғамас зарралардан иборат заҳарли моддалар нафақат ишчи-ходимлар, заводга яқин ҳудудда яшовчи аҳоли саломатлиги, шунингдек, техникалар учун ҳам хавфлидир. Хўш, чанг-ғуборлардан ҳимояланиб бўладими? Нима қилса, уларнинг салбий таъсирини камайтириш мумкин?

Тошкент давлат техника университети магистранти, ёш ихтирочи Жамшидбек Холиқулов бу борада анча бош қотирди. Тўғри, саноати ривожланган мамлакатларда бу муаммага ечим изланган, ўзимизда ҳам қабул қилинган технологиялар бор. Бироқ амалдаги техник ускуналар ва технологияларни такомиллаштириш ҳам мумкин-ку. Шу фикрни ўзининг илмий изланишларига асос қилиб олган тенгдошимиз мақсадига етди — зарарли моддалар таркибини аниқлаш учун махсус қурилма яратди.

Ўспиринликда киши нималарга

қизикмайди, дейсиз. Жамшидбек ўқувчилигида кўп фанларга қизикди. Телевизорда спорт мусобақаларини томоша қилиб, спортчи бўламан, деди. Ҳовлига чиқиб шуғулланди. Отасининг ҳарбий либосини кийиб, отақасбни давом эттирсаммикан, деди. Мактабда аъло баҳога ўқигани туфайли ўқитувчилар меҳрини қозонди, улар Жамшиднинг камида яхши мутахассис бўлишига ишонарди. Бироқ ҳаётнинг ўзи ҳаммасини кўрсатар экан.

(Давоми 3-саҳифада)



Фотография сеҳри



Дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдирётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва раvon йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча

жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётган.

Президентимиз Олтинқул тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

«Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, нон цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги

лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгилангани, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислом Каримов янги уй соҳибларидан бири — Отабек Қобулов хонадонидан бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, — деди хонадон соҳибаси Нигорахон Қобулова. — Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу айниқса биз, аёл-

ларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдоримиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажаги учун. Бундай уйларида яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтлар орзу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли экани ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Истиклол кўчаси

ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлим сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиклар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**Анвар САМАДОВ,
Фахриддин
УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

Ёшлар имлатларга қарши

Тошкент давлат иқтисодий университетидан «Талаба-ёшлар орасида диний экстремизм ва миссионерлик фаолиятининг салбий таъсирининг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавий ахлоқий-тарбия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда мазкур иллат, унинг олдини олиш бўйи-

ча зарур тавсиялар, маълумотлар берилди.

Тадбирда мавзуга доир тақдимот, ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Азизбек АМОНОВ,
«Камолот» ЁИХ ТДИУ бошланғич
ташкilotи етакчиси**

Хоразм вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашига «Isuzu» автобусини топширди.



Муносиб тухфара

Юртбошимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Хоразмда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Ана шу дастур ижроси доирасида «Камолот»

ЁИХ Хоразм вилояти кенгашига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Isuzu» автобуси совға қилинди.

— Имкониятларимизни янада кенгайтирган Юртбошимизга ташаккур айтамыз, — дейди «Камолот» ЁИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансур Машарипов. — Бугун хоразмлик «Камолот»чиларнинг хурсандчилиги чексиз. Чунки авто-

бус узоғимизни яқин, ишимизни енгил қилмоқда. Ҳозир олис туманларда тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказаяпмиз. «Поезд» лойиҳаси асосида вилоятимиздаги қадимий обидаларга саёҳатлар ташкил этилмоқда. Бунда бизга «Isuzu» автобуси асқотяпти.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири**

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Самарқанд вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

«КАМОЛОТ» УЙЛАРИГА ТАЛАБГОРЛАР КЎП

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида вилоятнинг Жомбой, Иштихон ва Пастдарғом туманларида бунёд этилаётган ҳар бири 64 хонадондан иборат учта «Камолот» уйида қурилиш ишлари қизгин давом этмоқда.

— Соғлом бола йили туманимиз ёшлари ҳаётида катта ўзгариш ва янгиликлар йили сифатида ёдда қолади, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Иштихон тумани кенгаши раиси Зойир Мардиев. — «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Йил бошидан буён туманимиз ҳокими ҳамда мутасадди идоралар раҳбарлари билан бир неча марта учрашувлар ўтказилиб, ёшлар ўз муаммо ва тақлифларини билдирди. Йигит-қизларнинг таълим олиши, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ҳамда бандлик масалаларида кўплаб муаммоларга ечим топилди. Қорқўли маҳалласида қурилаётган 64 хонадонли кўп қаватли уй ёшлар учун чинакам тухфа бўлиши табиий. Ёзи таътил вақтида бу ерда туманимиз ёшларидан иборат «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам ишлади. Умуман, каттаю кичик — барчамиз янги уй қурилиши тезроқ якунига етишини орзиқиб кутаяпмиз. Ёшларга мўлжалланган мазкур уйга та-

лаборлар ортиб бормоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 8 сентябрда «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилиниб, «Камолот» уйларини имтиёзли кредитлар асосида ёш оилаларга бериш тартиби белгиланганини таъкидлаш лозим.

— Мазкур қарор асосида «Камолот» уйларини ёш оилаларга бериш масаласини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши бўлими бошлиғи Дилшод Нарзиқулов. — Ушбу низомга кўра бундай уйларни турар-жой шароитларини яхшилашга муҳтож сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган, шунингдек, ариза берилган пайтда 30 ёшдан ошмаган эр-хотинлар (иккаласи ҳам) ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун тегишли ҳужжатлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлимларига топширилади ва улар орқали ҳаракатнинг Марказий Кенгашига тақдим этилади.

Ҳозир «Камолот» уйларини сотиб олиш масаласи бўйича шуғулланувчи марказий ҳамда вилоят ҳудудий комиссияси тузилган бўлиб, улар вилоятнинг шаҳар ва туманларидан тушган аризаларни ўрганмоқда.

**Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири**

Уч йиллик изланиш маҳсули

(Давоми, бошланиш
1-саҳифада)

Ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, университетда ўқишни ният қилди. Англидики, у илм билан шуғуллансагина мақсадларига етади. Ахир, бу орада у техникага қизиқиб қолган, бу шунчаки қизиқиш ёки шинавандалик ҳам эмас, аллақандай бошқача муносабат эди. Бу меҳр уни Тошкент давлат техника университетига бошлади.

Университетнинг электроника ва автоматика факультетига ўқигач кирди.

Олий таълим муассасасидаги муҳит айнан Жамшидбек учун яратилгандек эди. Фақат илм ўрганиб қолмай, ўзи ҳам турли ихтиролар устида иш олиб бориши, бунда устозлар кўмагига бемалол таяниши мумкин. Қаҳрамонимиз худди шундай қилди. Биринчи курсданок профессор Юрий Шипулиннинг этагидан тутди. Унинг маслаҳатларига амал қилди, кўрсатмалари билан турли ишланмалар устида тажрибалар ўтказди.

Иккинчи курсда Навоий конметаллургия комбинатида амалиёт ўтагани, унинг учун жуда катта мактаб бўлди.

Жамшидбек Холиқуловнинг техника оламидаги кашфиётлари ҳам шундан сўнг бошланди. Амалиётдан қайтгач, усто-зи Юрий Шипулин билан маслаҳатлашиб, чанг ва зарарли моддалар таркибини аниқлайдиган қурилма яратишга келишди. Узок изланишлар натижасида яратилажак қурилма эскизи тайёрланди. Орадан икки йил ўтгач, МИЗ-001 (микрпроцессорли чанг ўлчагич)

қурилмаси яратилди.

Мазкур қурилма инфрақизил нурли оптик толали ўлчов ва ҳаво оқимини назорат қилувчи зонддан иборат. Унинг ишлаш тезлиги ҳам юқори. Атиги бир дақиқада чанг ва зарарли моддалар таркибини аниқлаб беради. Хорижда ҳам шундай қурилмалар бор, бироқ улар бу ишни уч дақиқада бажаради. Бор-йўғи ярим килограмм тош босадиган ушбу қурилма эса хорижикидан тубдан фарқ қилади: ниҳоятда тежамкор, тўққиз вольт кучланишда ҳам ишлайди.

— Биз татбиқ этаётган қурилма нафақат тежамкор, шу билан бирга иш унуми ҳам юқори, — дейди Тошкент давлат техника университети магистранти Жамшидбек Холиқулов. — Кўшимча қурилмалар ёрдамида ўлчаш тезлигини уч дақиқадан бир дақиқага туширдик. Ускуна компьютер тармоғига уланади ва маълумотларни белгиланган жойга узатиш мумкин. Қурилманинг ички хотираси 4x4 ҳажмдаги мингта объектни ўлчаш имкониятига эга. Уч йиллик изланишдан сўнг ана шундай натижага эришдик. Ишимиз сифатига тўлақонли ишонч ҳосил қилгач, мазкур микропроцессорли чанг ўлчагич қурилмамизни «Ўзстандарт» агентлиги лабораториясида синовдан ўтказдик. Агентлик сертификатига эга бўлгач, Навоий кон-металлургия комбинатида жорий этдик. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патентини ордик.

Ёш ихтирочи жорий йилда бўлиб ўтган инновацион ғоялар, технологиялар ва ло-

йиҳалар кўргазмасида Олмалик кон-металлургия ҳамда Бекобод цемент заводидан мазкур қурилмага буюртма олди.

Жамшидбекнинг илмий изланиши шу билан чегараланиб қолмади. У устози кўмагида ЭС-2М русумли микропроцессорли электрон шиша ҳисоблагич қурилмасини ҳам яратди.

Ахборот-коммуникацион технологиялар жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда автоматик назорат қилиш, бошқариш системаларида ва мослашувчан ишлаб чиқариш жараёнларида оптик толали ва говак ёруғлик ўтказгичларни кенг қўллаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ушбу қурилмалар юқори метрологик кўрсаткичлардан ташқари, юқори сезгирлиги, ишончилиги, агрессив муҳитларда ишлаш имконияти, микропроцессор қурилмалар билан осон боғланиши, кам энергия сарфлаши, ихчамлиги ҳамда таннархининг арзонлиги билан ҳам ажралиб туради.

Жамшидбек татбиқ этаётган қурилмани автоматик ҳаракатдаги конвейери бўлган барча корхона ва заводларда, шахталарда қўллаш мумкин. Унинг афзаллиги шуки, агар нур ўтайдиган жойга руҳсатсиз таъсир қилинса, конвейерлар автоматик тарзда тўхтатиб қўйилади.

— Ҳозирча биз яратган қурилма ичимлик ишлаб чиқарадиган заводларга ўрнатилган, — дейди ёш ихтирочи. — Мазкур электрон шиша ҳисоблагич заводларда маҳсулотларни қадоқлаб, сертификат маркалари ёпиштириб, тайёр ҳолга олиб чиқадиган сўнгги



Рустам Назарматов олган суратлар

босқичдаги конвейерларнинг икки томонига ўрнатилади. Бу ерда инфрақизил нур тўлкинлари орасидан ўтаётган ҳар бир шиша идиш автоматик тарзда санаб борилади. Барча ҳисоб-китоблар компьютер орқали сертификатлаштириш марказига етказилади. Агар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сонини камайтириш ёки яшириш ҳолатлари бўйича бирор ташқи таъсир кўрсатилса, конвейерлар ҳаракати автоматик тарзда тўхтайдиган бўлади. Ушбу қурилма ўлчаш аниқлиги, электр энергиясини тежаш билан ҳам аҳамиятлидир. Аввал ушбу қурилма ўн етти миллиондан эллик миллион сўмгача бўлган маблағ эвазига хориждан келтирилган эди. Бизнинг микропроцессорли электрон шиша ҳисоблагич қурилмамиз эса атиги икки миллион сўмга яқин маблағни талаб этмоқда, холос. Шу боис маҳсулотимизга катта қизиқиш билдириляпти.

Йилда бир марта назоратдан ўтказиб бориладиган ушбу қурилма 2013 йил «Ўзстандарт» агентлиги лабораториясида синовдан ўтказилиб, унинг муаллифи 01389-сонли сертификатга эга бўлди. Жорий йилда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идорасининг патентини қўлга киритди.

Тенгдошимиз Беруний номидаги давлат стипендияси соҳибиди, «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар» республика кўргазмасининг доимий иштирокчиси. Жорий йилда эса «Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг финал босқичида ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар йўналиши ғолиби бўлди. Ҳозирда у елимли ва шиша чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш устида ишлаяпти.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

Mulohaza

Тил билишнинг 5 аҳамияти

Агар одамлардан сиз учун чет тилини ўрганиш зарурми, деб сўрасангиз уларнинг кўпчилиги «йўқ» деб жавоб беради. Она тилидан бошқа биронта тилни билмасдан бемалол яшаш мумкин, дейдиганлар анча. Улар энг яхши бадиий асарлар аллақачон ўзбек тилига ўгирилган, қолгачларини ўқиш учун эса иккинчи тилни ўрганиш шарт эмас, деб ўйлайди. Аммо бирон-бир тилни ўрганиш керакми-йўқми, деган саволга холис жавоб олмоқчи бўлсангиз, чет тилини билмайдиганлардан эмас, биладиган одамлардан сўраб кўринг. Ахир, ўзида йўқ нарсанинг аҳамияти ҳақида ким сизга тўғри маълумот бера олади?

Ҳар бир тил ўзига хос жиҳати билан бошқаларидан ажралиб туради. Худди бизнинг тилда бўлгани каби бошқа тиллар ҳам ўзида халқнинг ўтмишини акс эттиради. Тил ўрганишнинг афзалликларини уни мукамал ўзлаштирмагунча ҳис этиш қийин. Хорижий тилни ўрганиш асносида ўша халқнинг турмуш тарзи, менталитети, дунёқараши билан яқиндан танишасиз. Бу тил ўрганишни бошлаган илк кунларингизданок сезилмайди, аммо уни яхши ва мукам-

мал эгаллаганингиз сари ҳаёт янада ёрқин ва рангбаранг эканлигига амин бўласиз. Замонавий психология фани чет тилини ўрганиш инсон характери ҳам қисман ўзгариради, деган фикрни илгари сурмоқда. Келинг, тил ўрганишнинг амалий натижаларини санаб чиқамиз.

Интернет камрови сиз учун янада кенгайд. Кўпчилик битта хорижий тилни билгани сабабли керакли маълумотларни интернетдан асосан шу тилда излай-

ди. Аммо бир нечта тилни билганлар ундан юз чандон ортиқ билимга эга бўлиши турган гап, боиси улар учун илк манбалар сони бир неча ўн баробарга кўпаяди-да.

Чет тилини билиш хорижий фильмларни аслиятда кўриш имконини беради. Сиз ҳам аёл, ҳам эркак киши ижро этган роляларга овоз берувчи актёр эмас, ёқтирган киноактёрларнинг ҳақиқий овозини тинглаб, фильм томоша қилиш имконига эга бўласиз. Бундан ташқари, диалоглардаги сўз ўйинлари ва ҳазилларни ўзлаштириб борасиз.

Хориж мусиқасини тушуниб тинглашга кўникасиз.

Глобаллашув жараёни. Шитоб билан ўзгариб бораётган даврда аввалгидек масофа катта роль ўйнамайди. Йилдан-йилга саяхат қилувчилар сони ортиб бормоқда. Уларнинг сафига кўшилганингизда, зиёрат қилган жойингиз тўғрисида маҳаллий гид билан таржимонсиз сўхбатлашишга нима етсин?!

Чет тилини ўрганаётганингизда, илгари сез-

маганингиз ёки парво қилмаганингиз — атрофингизда хорижликлар кўплигини пайқаб қола-сиз. Танишув мустақам дўстликка айланса, дунёнинг нариги бурчагида ҳам сизни тушунадиган кишининг борлиги қандай яхши.

Тил ўрганиш фикрлаш қобилиятини яхшилайди. Бешиқдан то қаб-рғача илм изланг, дея хитоб қилинади ҳадисда. Олимларнинг аниқлашича, иккинчи тилни ўрганиш миянинг нутқий раволикни таъминловчи қисмини ривожлантиради. Тил ўрганишга қанча эрта киришсангиз, раво ва чиройли гапиришингиз ҳам шунча осонлашади.

Тил билиш дароматни кўпайтиради. Англия шимоли-ғарбида истиқомат қилувчилар она тилидан ташқари битта тилни билса, йилига 3000 фунт стерлингдан ортиқ маош оларкан. «Сандэй Лист» нашрида дунёнинг энг бой одамлари рўйхатини чоп эттирган Филипп Бересфорднинг тадқиқотида кўра, хорижий тил бир йиллик фаолият давомида ғарблиқларга ўртача 145 000 фунт да-

ромад келтирмоқда ва ҳоказо.

Хорижий тилни ўрганишдан ҳайиқиб, «менга шу тил керак бўлармикан?» деб ўзига савол берувчилар, шубҳаларингиз бекорлигига ишонаверинг. Замонавий дунёда хорижий тил сув билан ҳаводек зарур.

Тил ўрганувчиларнинг аксарияти 17-30 ёшни қаршилаган кишилардир. Энди ишга келган тажрибасиз ёшларнинг кўпчилиги то тажриба орттиргунча чет тилларидан бир нечасини билиши эвазига «жон сақлаб қолади».

Ва ниҳоят, бир қарорга келдингиз...

Энди нима қилиш керак? Кадрларни халқаро талабларга жавоб берадиган қилиб тайёрлашни кўзлаётган олий ўқув юртлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Аммо камдан-кам институт ва университетлар талабаларнинг хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришлари учун етарли шароит яратиб беради. Шу сабаб ўзингизга мос ўқув курсини топинг. Сертификат, тавсиянома олиш, курснинг баҳосига билимларингиз ҳам ҳамоҳанг

бўлиши керак. Агар тилни яхши ўрганмоқчи бўлсангиз, бозор қонуниятини назарда тутинг: яхши маҳсулот арзон бўлмайди. Нутуманги, ўз касбига жиддий ёндашувчи ҳар қандай ташкилот ёш мутахассисларнинг тил билиш қобилиятини эътиборсиз қолдирмайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тил миллатлар ўртасида кўприк вазифасини ўтовчи восита, ундан кўрқмай «ҳатлаб» ўтганлар бир йўла ютуқ ва «янги олам»лар калитини ҳам қўлга киритади. Энг муҳими, саволларингиз жавобсиз қолиб кетмайди.

PS. Мазкур мулоҳазаларимизни тугал хулосалар эмас. Чунки хорижий тилни билишнинг бундан кўра муҳимроқ жиҳатлари ҳам кўп. Уйлаймизки, бирор чет тилини ўрганиш, бунга англаб етасиз.

Дилшод ШАРИПОВ,
Термиз ахборот технологиялари ва маиший хизмат касбунара коллежи инглиз тили ўқитувчиси

ФОТОТРАФИЯ СЕХРИ

Бир томчининг ёруғлик зарраларида саккиз хил рангда жилоланганини кўрганмисиз?

Ҳатто камалак ҳам етти хил рангда намоён бўлади. Кеч қузакда эрта ёққан қор белини бўккан, совуқдан толган бир атирғулни соядон билан хилмоя қилмоқчи бўлганларни-чи, кўрганмисиз? Юрагингиздан чуқур жой олган кечинмалар таъсирида биргина сурат қарши-сидан кетолмай, лом-мил деймай «кўриб қолган» пайтларингиз-чи, бўлганми? Ҳа, рост айтдингиз, ўшанда сиз шу каби мўъжизаларни муҳрлаган фотография санъатининг асирига айлангансиз.

Фотография — инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири. Бугун у фототехника, фотоқоғоз, фотостудия, фотолавҳа, фотожурналистика, фотопублицистика, фотомонтаж, фотохроника каби бир қатор атамаларни ҳам ҳаётимизга олиб кирди. Фотографиясиз бугун оламни тасаввур қилиш қийин. Усиз газета, журнал кўримсиз ва ғариб. Айтайлик, сиз сандал дарахти ҳақида маълумотга эга эмассиз, фотографиясиз у ҳақда тўла тасаввурга эга

бугун ҳаётимиз кафтимиздаги китобда намоён — «умр дафтари»миз кўлимизда гўё.

Фотография санъати ҳақида гапирар эканмиз, нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда ушбу санъатнинг ташкил топишида биринчи кинооператор ва фотограф, хоразмлик Худойберган Девоновнинг хизматларини айтиб ўтмай бўлмайди. Диний-хурофий қарашлар авж олган бир пайтда айрим дин мутаассибларининг қаршилигига қарамай, минораларда туриб маросим ҳамда турли халқ сай-

лади. Ҳозирги кунда унинг уйида ва шогирдлари кўлида сақланиб қолган айрим фото-плёнкалар ўша йиллардаги мураккаб ҳаёт тўғрисида жонли тасаввур беради.

Республикаимизда фотография санъатининг ривожланишида ўз хиссасини кўшган Маркс Пенсон юртимизнинг турли воҳаларида бўлиб, ҳаётий воқеаларни синчковлик билан кузатиб, суратга олган. Изланувчан, ўз ишига ниҳоятда талабчан бўлган атоқли фотограф суратга олган, «сўзлайдиган» кадрлар, фотолавҳалар нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам шуҳрат топган. Таниқли фотограф ўз фаолияти давомида ўн мингдан зиёд фотонегативни келгуси авлодга мерос қилиб қолдирди. Бу асарлар ўзбек санъати хазинасига муносиб улуш бўлиб кўшилди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан ушбу соҳага кўплаб ёшлар дадил кириб кела бошлади. 60-йиллардан кейин нашр этилган газеталарда фотосуратларнинг тематикаси гоёт ранг-баранглашди. Фотомухбирлар асарларидан иборат фотокўргазмалар ташкил этиш йўлга қўйилди. Фотографиямизнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан юксалиши, санъат даражасига тўлақонли кўтарилиши эса мустақиллик йилларига тўғри келди. Янги истеъдод эгалари кашф этилди.

Бугун республикаимизда кўплаб профессионал фотографлар фаолият кўрсатяпти. Жумладан, Абдуғани Жумаев, Мухаммад Амин, Ҳасан Пайдов, Бурҳон Ризоқулов, Бобур Пўлатов, Рустам Назарматов, Владимир Гранкин эркин ижоди, бир-бирини такрорламас услублари билан ҳатто жаҳон жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бугун фоторепортёр ва фотожурналист деган тушунчалар ҳам ушбу соҳанинг ажралмас бўлагига айланган. Таҳририят

мутахассисни фотожурналист дея оламиз. Бу ўринда унинг шахси, интеллектуал даражаси, билими, бадий мушоҳадаси, жамиятга муносабати газета ва журналнинг ҳам савиясини белгилайди. Фоторасом универсал ижодкорки, у барча маҳорат қирраларини ижодида намоён қилади, яъни фоторепортаж, фотоочеркларни тайёрлаш жараёнида шундай образлар яратадики, улар воқеликнинг оддий инъикоси эмас, балки унинг асосий моҳиятини таъсирчан акс эттириши билан бирга, юз берган тарихий ҳолатни тасвирлаш орқали кузатувчини маълум йўналишда фикрлашга,

изни «пайдо қилиш»да дарахлар, қуёш нури, булутлар, қушлар — бутун табиат ёрдамга келган. Ҳаётда ҳам шундай эмасми, биз қолдираётган изда ҳам яқинларимиз, ҳатто ганимларимизнинг ҳам «хизмат»лари бор...

Фотография санъатида су-



Фотография тарихи қадимги Уйғониш даврига бориб тақалади. Дастлаб шу давр расомлари камера-обскура (қоронғу хона) деб номланган фотоаппаратларнинг аждоди бўлмиш усқунани яратган. Эрамиздан олдинги 350 йилда қадимги юнон файласуфи Аристотел деворнинг кичкина туйнуғидаги қоронғу хонага тушадиган ёруғлик, қарама-қарши деворда кўчадаги, дераза рўпарасидаги буюмларнинг тасвирини ҳосил қилишни қайд қилиб ўтган. Зеро, айнан шу камера-обскуранинг асосий ишлаш усули ҳисобланади.

ўйлашга ва ўз муносабатини белгилашга ундайди. Ижодкор шахс — фоторасом катта ижтимоий вазифанинг бадий ечимини қидиради ва топади.

Бугун омманинг эстетик диди, савиясини ўстиришни зиммасига олаётган газета ва журналларимиз олдида яна бир муҳим вазифа юкланган — кучли ижодий рақобатни юзага келтириш, дунё фотожурналистикаси мезонларини ҳам амалиётга татбиқ этиш.

Фотосурат — ижодий асар, унга фотограф ўз дунёқараши ва оламга нигоҳи, ўз ижодий нафаси ва тасаввурлари, натуранинг реал жозибасини сингдиради. Фотограф кўрган гўзалликни илғай олиш, суратларнинг сеҳрли домига тушиб қолиш, ҳис этиш муҳлисдан маънавият ҳамда юқори эстетик дид талаб қилади.

Ёш фотограф Беназир Абдуллаҳўжаева ижодини кузатар эканмиз, дунёдаги жамики нарсада ҳикмат борлигини англаймиз. Табиат мозаикасининг романтик тасвири, соялар рақси, инсон қалб кечинмаларини ноанъанавий услубда «ошкор этувчи» суратлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Ижодкорнинг «ИЗ» номли асари. Умрни оқар сувга қиёслаймиз, сувда ҳам из қолдириб бўладими? Ҳаётда ўз изимизни қай даражада қолдира оламиз? Суратда бутун бошли анҳорнинг ўртасида ёлғиз оқиб кетаётган шарчага нигоҳингиз тушади. Фотограф расмини шундай олишга муваффақ бўлганки, шу митти шар сувда ўзидан гўзал ва баҳайбат из қолдиргандек гўё. Аслида, бу

ратга тўғри ном бериш ҳам маҳорат талаб этади. Ана шу биргина ном, бутун ижод маҳсулини муҳлис қалбига жойлашга ва расми тушунишга ёрдам бериши керак, — деган эди машҳур фоторасомлардан бири. Галерея бўйлаб саёҳат қиларканмиз, суратлардан бирининг қаршида ярим соатдан ортиқ туриб қолган ёши улуғ аёл эътиборимизни тортди. Қизиқиб, секин яқинлашдик. Суратда ҳазонрезда икки дарахт ўртасида яққа, бўш қолган ўриндик ва узоқроқда бир-бирини суяб бораётган чол-кампирининг ўриндикда қолган изи тасвирланганди. Расми кўриб, ранглар жозибасига, куз тароватига маҳлиё бўлдик. Лекин суратга қўйилган номни ўқидиг-у, халғолга толдик: «Улар кетмоқдалар» («Они уҳодят»). Юзидан табассум, ўзаро меҳр-муҳаббат билан, кузни ортида қолдириб, ўз умр йўлидан юриб кетаётган чол-кампири кўриб, биз ҳам туриб қолдик. (Аёлнинг юрагидан нималар ўтган экан...)

Кўргазма залларини, фотоуйларини айланиб, суратлардан баҳраманд бўлар эканмиз, хаёлларга фарқ бўламиз, фотограф сингдирмоқчи бўлган туйғунни ҳис қилишга, айтмоқчи бўлган фикрни илғашга ҳаракат қиламиз. Саёҳатимиз сўнгидан чанқаб турган қалбимиз нечоғлик маънавий озуқа олганини, дилимиз яйраб, танамизга қувват югурганини сезамиз.

Парвина ОМОНОВА,
«Turkiston» муҳбири



бўлиш эса мушкул. Айтишадик, минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал.

Биргина оилавий фотоальбомимизни варақлайлик — ҳақиқий мўъжиза шунда намоён бўлади. Гўдаклиқдаги илк табассум, дастлабки атак-чек, боғчадаги биринчи кун, мактаб ўқувчиси, олий ўқув юрти талабаси, суюкли умр йўлдош, бугун ота-она... Киприк қоққандай тез ўтиб кетган

илларини суратга олган. У тўғрак ташкил қилиб, ўз билганларини ёшларга ўргатган, бепул киносеанс ва фотокўргазмалар ташкил этиб, санъатидан юртдошларини ҳам баҳраманд қилмоқчи бўлган. Фотосанъатнинг олтин фондида ўзининг ноёб асарларини қолдириш билан бирга, Машраб Бобожонов ва Отаниёз Шокиров каби кўплаб иқтидорли шогирдларни тарбия-

1655 йилда дастлабки ихчам камера-обскура яратилди. Уни исталган томонга қаратиш ва фотографияга хос бўлган табиий суратлар олиш, бенуқсон тасвир яратиш, бир пайтнинг ўзида деталларни аниқ тасвирга тушириш имкони яратилди.

топшириғи билан воқеа-ҳодиса ҳақида фотоинформация тайёрловчи репортёрлардан фарқи ўлароқ, замон юқори савияли ва фаол фотожурналистларни талаб этмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли фотожурналист Абдуғани Жумаев интервьюларининг бирида фотожурналистга таъриф бериб, унинг фоторасомдан фарқини қуйидагича изоҳлаган эди:

— Бирон-бир мавзу устида камида фоторепортаж, фотоочерк ёки кенг қамровли фотопублицистик материал тайёрлай олиш даражасидаги

1725 йил немис физиги Йоганн Генрих Шульсте муҳим нарсани ихтиро қилди. У бўр билан аралаштирилган кумуш нитрати ҳаво ёки иссиқлик туйғулари эмас, айнан ёруғлик таъсири туйғули қорайишни исбот қилди. Шу билан аста-секин такомиллашиб бораверган камера-обскурада 1862 йил Ньепс томонидан табиий гелиография сурат — унинг кабинет деразасидан олинган. Сурат 1952 йил Лондонда топилган ва у Аустин Техас университети коллекциясида табиий саҳнада қилинган илк фотосурат сифатида сақланмоқда.

Suhbatdosh

«Менга шу кўк азиз, шу тунроқ азиз»

Неча минг йилдирки, дунё чархпалаги тинмай айланиб келади. Инсон ўзига инъом этилган ҳаётини, умрини эзгу амаллар билан ўтказиш мақсадида интилади, ҳаракатдан тўхтамайди. Фалакнинг гардиши айланиб, ҳаёт ҳам давом этаверади. Ҳаёт — умримиз, умр гўё — санок чўплари — оқ ва қора ранглардан иборат. Фасллар алмашиб тургани каби ҳаётимиз ҳам оқ ва қора ранг, ёруғ ва қоронғи паллар билан алмашиб туради. Гўзалликка, эзгуликка эҳтиёжманд кўнглимиз ҳаётнинг оқ ранги ва ёруғ палларлари кўпроқ бўлишини истайди.

Адабиётнинг хизмати ҳамиша қоронинг оққа айланиши, зулмат чекиниб, ўрнида ёруғлик бўй кўрсатишига эришидир. Бу йўлда сўз санъаткорларининг меҳнати беқийсдир. Шундай шоирлар борки, шеърларини ўқисак, кўнглимиз ҳаётга ошиқлик, Ватанга ошуфталик билан тўлишиб, янада ўсиб бораверади. Ундайлар ўқувчининг, кўпчиликнинг — халқнинг эътибори эътирофига сазовор бўлади. Шундай оташнафас шоирлардан Иқбол Мирзо ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ўзбекистон халқ шоири, сенатор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо саҳифамиз меҳмони.

— Болалик — умрнинг беғубор, бахтиёр палласи. Сиз болалигингизни қандай эслайсиз?

— Эрталаб телевизорда бир фильм томоша қилдим. Узоқ тундра ва иккита айиқ боласи ҳақида экан. Айиқчалар оппоқина, момикина, кўзлари мунчоқдек, қараб туриб завқланасиз. Бир-бири билан қувалашиб, юмалаб-юмалаб ўйнайди. Жониворларни ҳаётнинг оғир синовлари, хавф-хатарлари кутяпти, улар эса бундан мутлақо беҳабар, ота айиқлар айиқчаларни бўғиб ўлдирши мумкинлигини билмайди, ҳаёлига ҳам келтирмайди (айиқларнинг ҳаёти шундай: ота айиқ жинсдош боласини бўғиб ўлдирди). Уларнинг беғуборлигини кўриб инсон болалиги ҳам шундай-ку, деб ўйладим. Болалиги уруш вақтларда, қаҳатчиликда ўтса ҳам, барибир ўша болаликни кўмсаб эслайди. Бизнинг болалигимиз ҳам совет даврининг, шўронинг чириётган, таназзул пайтига тўғри келган. Эсимни таниган пайтларим ҳаётга қараб, телевизорда айтилаётган гапларни эшитиб, газетадаги мақолаларни ўқиб, ҳаёт бу қадар зиддиятли эканига ҳайрон қолардим. Бизнинг қишлоғимизда, мактабимизда бўлаётган воқеалардан Тошкентдагиларнинг, Москвадагиларнинг хабари йўқ деб ўйлардим. Кейин билсам, ҳамма ерда шу аҳвол: шу тизим, шу система экан. Чириган империя. Чириганининг сабаби — эътиқоднинг йўқлиги экан. Масалан, коммунистик эътиқод ёки партия ҳақидаги масалаларнинг ҳаммаси пуч гоюларга қурилгани бугун ҳаммага маълум. Болалигимиз бугунги кун ёшлариникидек бекаму кўст ўтган деёлмайман, етишмовчиликлар кўп эди. Мактабимизда оддий стадион ҳам йўқ эди. Мен футболга роса ишқибоз эдим. Мактабимизда биттагина ҳам тўп йўқ эди. Болалар билан пул йиғиб олардик. Сумкаларимиздан «дарвоза» ясаб футбол ўйнардик. Энг ачинарлиси, пахта сиёсатининг оғир, аёвсиз лаҳза-

ларига ташвишсиз, беғубор болалигимиз, илм олишга ташна ўқувчилик даврларимизни алмашганмиз. Яхши эслайман: кичкина болалар ҳам янги йилдан кейин — 5 январларгача қаҳратонда кўллари ёрилиб кетган ҳолда, дилдираганча пахта терарди. У пайтларда кимнингдир оила аъзоларидан бири шу кун пахта теримига чиқмаса, хонадондаги электр чироғининг ўчириб кетиши аниқ эди. Ўша пайтларда пахтанинг тезпишар навларини яратиш ҳақида гап бўлгану, лекин амалда ҳеч гап йўқ эди. Ута қотиб қолган тизим бўлган эканда. Мана, пахтани совуқ кунга қолдирмай, бор-йўғи бир ойда йиғиб-йиғиштириб, режани бажариб олса бўларкан-ку. Мустақиллигимиз шарофати шу-да.

— Бир учрашувда, болалигим шеър билан овуниб, китобларга андармон бўлиб ўтган, деб эслагандингиз... Улар қандай китоблар эди?

— Ўша қийин шароитларда ҳам биз китобни яхши кўрардик. Пахта даласида ҳам кўлимиздан китоб тушмасди. Ўша пайтдаги мутолаадан, китоблардан олган завқ, билим бизга болаликка нақд қолгани экан. Мен тарихий китобларни яхши кўрардим. Бундан ташқари, Ўткир Хошимов, Худойберди Тўтабоев, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Фузулийнинг китоблари сеvimли ва қадрли эди.

— Илк ёзган шеърингизни қандай эслайсиз, уни қачон ёзгансиз?

— Биринчи шеъримни етти-саккиз ёшларимда тоғам, шоир Фулом Абдулла таъсирида ёза бошлаганман. Қолаверса, дадам адабиёт ўқитувчиси бўлган. Ўша шеър туманимизнинг «Авангард» газетасида чиққан. «Мусича» деб номланиб, шундай сатрлари бор эди:

*Мусича, ҳой мусича,
Гапга қулоқ бер пича.
Сенга атаб кўрдим ин,
Унда яйраб яшагин.
Керакмас хасу хашак,
Унда бордир пар тўшак...*

Лекин улар шунчаки машқлар эди, холос. Чинакамига кейинроқ, йигирма ёшларимда шеър ёзадиган бўлдим. Муҳаббат туйғуи қалам тебратадиган бўлдим. Кейинчалик бу туйғу Ватан ишқига, юрт севгисига айланди.

— Истиқлол йилларида кўплаб соҳалар сингари адабиётга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўларок, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Ижод» фонди ташкил қилиниб мана бир неча йилдирки, «Биринчи китобим» лойиҳасида юртимиз ёш ижодкорларининг китоблари минглаб нусхаларда чоп этилмоқда. Мана шу хайрли ишлар хусусида тўхталсангиз.

— Ёш истеъоддорларни юзага чиқаришнинг муҳим амалий ифодаси сифатида 2011 йилдан бошлаб истеъодли ёшларнинг «Биринчи китобим» лойиҳаси асосида илк китоблари катта нусхаларда чоп этиляпти. Ва улар республикамиздаги мактаб, академик лицей ва коллеж ахборот-ресурс марказларига бепул тарқатиб келинмоқда. Ўтган қисқа муддат ичида ҳаммаси бўлиб 31 номда, жами 550000 нусхада «Биринчи китобим» туркумидаги китоблар чоп этилди. Ёш қаламкашларнинг замонавий дийдадаги бежирим муқовали, сифатли саҳифаланган илк китобчаларига мен ҳам суқланиб қарайман.

— Бугунги ёш ижодкорларнинг юрагида ўтмиш залолатидан қолган доғлар йўқ. Улар — озод ва обод юрт фарзандлари, уларнинг юз-кўзларида ҳамиша қувонч, дилларида олам-олам орзулар бор. Айнан «Биринчи китобим» муал-



Иқбол Мирзо — 1967 йилда Фарғона вилояти Бағдод туманидаги Кўштегирмон қишлоғида туғилган. Фарғона давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида тахсил олган. Шеърлари 1980 йилдан республика нашрларида чоп этила бошлаган. 1993 йили «Юракнинг шакли», «Кўнгил», кейинчалик «Сени соғинаман», «Танланган шеърлар», «Кўшиқларим», «Сени бугун кўрмасам бўлмас», «Сизни куйлайман», «Агар жаннат кўкда бўлса» китоблари нашр этилган.

лифларининг шеърлари ҳам шунга ҳамоҳанг...

— Албатта. Йигирма йил илгари Ватан ҳақида битта-иккита кўшиқ бўларди. Ҳозир бу мавзудаги шеър-кўшиқлар кўпайди. Мана, қанақанги ёшлар етишиб чиқяпти. Уларга бугун имкониятлар жуда кўп.

— Кўпгина шеърларингиз нозик туйғулар — юрт ишқи билан лиммо-лим. Шоир — ким, сизнингча?

Шоир миллат тақдири учун масъул шахс. У ўз халқисиз ҳеч ким, ҳеч нарса эмас. Шоир — юрт фарзанди. У бир дарахтки, Ватан тупроғида ўсади, мева беради, уни бошқа жойга ўтказиб бўлмайди, у фақат бир ерда кўкаради. Назаримда, халқни эргаштирадиган, кўнглини кўтаридиган, уни тўғри йўлга эргаштирадиган, унга керак бўладиган одам шоирдир.

— Замонавий шеърят, замонавий қахрамон қандай бўлади?

МУНОСИБ БЎЛ

Муносиб бўл!

Муносиб бўл!

Муносиб бўл боболарга!

Олам аҳлини уйғотган даҳоларга.

Оққан дарё оқар, қўшил дарёларга,

Муносиб бўл, бобомерос дунёларга,

Боболарга муносиб бўл боболарга!

Фафлат билан лоқайдликни дўст тутмагин,

Бегонанинг ҳимматига кўз тутмагин.

Сен кимларнинг авлодисан, унутмагин,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Боболаринг от ўйнатиб дунё кезган,

Фақирларга мурувватли қўлин чўзган.

Улугбеклар от устида юлдуз узган,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Гул бўлса гар ўз даласин гули бўлган,

Қул бўлса гар, ўз кўнглининг қули бўлган.

Бу кўнглида Ватан бўлган, эли бўлган,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Навоийнинг навосига тўлган дунё,

Сино малҳамидан одам бўлган дунё,

Соҳибқирон кулса, бахти кулган дунё,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

Кўз тегмасин юлдуз кўнган кўз-қошинга,

Юксал, дўстим, интил толе қуёшинга.

Суян фақат ўз юртинга, юртдошинга,

Муносиб бўл, муносиб бўл боболарга.

**Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири**

Ўз йиллар бурун ҳам бизнинг шоирларимизнинг китоблари босмаҳоналарда чоп этилган. Лекин у китоблар, асосан, одамни ҳаётдан совутадиган, таркидунё қилишга даъват этадиган шеърлар бўлган. Лекин Муқимийнинг, Фурқат, Завақийларнинг китоблари чоп этилмаган. Чоп этиладиганлари эй одам, ҳаёт ўтиб кетади, ҳеч нарса қилма, бугунми, эртами барибир ўласан, деган маънодаги, қабр азоби ҳақидаги шеърлар бўлган. У пайтлар шундай шеърларга кўпроқ эътибор берилган. Босқинчиларнинг мустамлака халқнинг кўнгли ҳаётдан совисин, бизнинг ишимизга аралашмасин, айтганларимизга итотат қилсин, деган мақсади бўлган. Шунинг учун улар шу сиёсатни қўллаган. Аслида одамга инсонлигини эсга соладиган шеър ҳақиқий шеър. Бу — ёзилмаган талабдир. Инсонни ҳаётдан совутадиган шеърлар адабиётнинг соя томони. Афсуски, кейинги пайтларда адабиётга яқин бўлмаган нарсаларни шеър деб аташ аънанаси пайдо бўлди. Айниқса, интернетдаги интернет имлонинг пайдо бўлгани мени ижодкор сифатида ташвишга солади. Ҳақиқий шеър фақатгина зорланишдан иборат бўлмайди. Одам бошига фожеа тушиши мумкин. Лекин шу одамнинг ноласида ҳам ҳаётга муҳаббат бўлиши керак. Шундагина у ҳақиқий адабиёт бўлади.

— Сизнинг ижодкор маҳорати, истеъдоди ҳақидаги қарашларингиз ёш ижодкорлар учун қадрли...

— Ёшларимиз мумтоз адабиётни яхши билишлари керак. Жуда бўлмаса, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Сирожиддин Саййид, Усмон Азим каби устозларимизнинг шеърларини ўқишлари керак. Ёшларга тилагим шуки, жудаям катта, жудаям камёб адабий бойлигимиз бор. «Девону луғотит-турк»дан бошлаб, «Мезонул-авзон»гача, «Темур тузуқлари»дан тортиб, антик дунё тарихини ҳам ўқиб-ўрганишларини, юрагида сақлашларини хоҳлардим. Мумтоз адабиётни теранроқ ўрганишларини, мумтоз санъатимизнинг қадрига етишларини хоҳлардим. Шундагина, куни келиб ўзлари ҳам ёшларга маслаҳат беришлари мумкин.

**«Turkiston» муҳбири
Майсара НАЗАРОВА
суҳбатлашди.**

Voqelik

Дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли



Тошкент шаҳридаги Инха университетиди тўксон нафар йигит-қиз биринчи курсга қабул қилинди, уларнинг ўн нафари грант асосида таълим олади.

Бу ҳақда Тошкентдаги Инха университетининг очилиши ва янги ўқув йилининг бошланишига бағишланган тадбирда сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Жанубий Кореянинг Инха университети пре-

зиденти Пак Чун Бе, Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳидов, профессор-ўқитувчилар, талабалар қатнашди.

Тантанали маросимни

очиб берган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов талабаларни янги ўқув йили билан табриклади. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳи-

дов Жанубий Корея ва Ўзбекистоннинг ўзаро ҳамкорлигининг яна бир тимсоли — Инха университетиди ёшларнинг чуқур билим эгаллаши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирди.

— Тошкент шаҳридаги Инха университети муҳтарам Юртбошингизнинг ташаббуси ва қарори билан ахборот коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ташкил этилди, — дейди тадбирда сўз олган Жанубий Кореянинг Инха университети президенти Пак Чун Бе. — Бу ерда компьютер ва дастурий инжиниринг йўналишларида жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган таълим жараёни ташкил этилади. Университетнинг илк талабаларини самимий табриклайман. Ўйлайманки, сиз етук мутахассис бўлиб, давлат бошқаруви органлари ва иқтисодийнинг реал секторида ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий қилишда фаол иштирок этасиз.

Тадбирда ўн нафар талаба-

га университетда грант асосида ўқиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар топширилди. Сўнгра иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Инха университети биносида олиб борилган қурилиш-реконструкция ишлари, талабаларга яратилган шарт-шароитлар, замонавий ўқув-аудитория, ўқув-лаборатория, ахборот-ресурс маркази ва спорт иншооти ҳамда машғулот хоналари билан яқиндан танишди. Бунёдкорлик ишларида фаол қатнашган қурилиш-пудратчи ташкилот ходимларига эсдалик соғвалар берилди.

Меҳмонлар шинам, замонавий маъруза залларида Корея Республикасидан келган профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнларини кузатиб, талабалар билан мулоқот қилди.

Тадбир якунида талабалар яхши ниятлар билан осмонга оқ кабутарларни учирди. Самода эркин қанот ёзаётган бу қушларнинг парвозини ёшларнинг юксак парвозига менгзаш мумкин.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Imkoniyat

Хаваскорликдан профессионализмга

Жиянимнинг қўлидаги ёғочдан ясалган самолётни кўриб ҳайратландим. Негаки, бу оддий самолёт эмас, ҳақиқий санъат асари... Ушбу «темирқуш»ни Лочинбек укасининг туғилган кунига атаб ясабди. Жияним акасининг бу тухфасидан завқланиб, самолётни самога учирди...

Бугун Лочинбекка ўхшаган ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида «Баркамол авлод» болалар марказларидаги халқ амалий безак санъати, дизайн, бадий нафосат, бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш, флора ва фауна туркумларида «Кулолчилик», «Дурадгорлик», «Ёш мусаввир», «Моҳир қўллар», «Юмшоқ ўйинчоқлар», «Либослар дизайни», «Ёш архитектор», «Фольклор», «Ёш журналист ва нотик», «Ёш пазанда», «Компьютер графикаси ва дизайн», «Ракетамодел», «Аквариум балиқчилиги» каби тўғарақларда ўз қизиқишлари бўйича машғул олди боряпти. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда-

ги «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ҳар бир туман ва шаҳарда, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишларида жами 211та «Баркамол авлод» болалар маркази ташкил этилди. Ушбу марказларга олти ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

Мазкур марказларнинг асосий мақсади ўқувчи-ёшларга мактабдан ташқари таълимга қўйилган талаблар асосида билим бериш, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали

ўқув дастурларини ўзлаштиришга эришиш ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат. «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази эса ўқувчиларда ижодий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу масканда ўқувчи-ёшларнинг техникага бўлган қизиқиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда ижодкорлик қобилиятига сайқал берилади. Асосийси, марказ ўқувчиларнинг бошланғич касб-хунар сирларини пухта эгаллаши ва таълимнинг кейинги босқичини тўғри танлашига кўмаклашмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Юртбошимизнинг «Баркамол авлод — юрт истиқболи, мамлакат қудрати» деган сўзлари ўз тасдиғини топмоқда. Бунга Паркент туманидаги «Баркамол авлод» болалар марказида бўлганимизда яна бир бор амин бўлдик. 2002 йили туман ҳокимининг қарори билан 1-мум-

таълим мактабининг бошланғич ўқув блоки марказ тасарруфига ўтказилди. Шу йилнинг ўзида бино қайта капитал таъмирлаш дастурига киритилди. Таъмирдан сўнг замонавий бинога эга бўлган марказга ўн бешта хона ажратилиб, тўққизта тўғарақ хоналари тўлиқ жиҳозланди.

Бугун марказдаги «Инглиз тилини ўрганиш», «Фольклор», «Ёш қандолатчи», «Мунчоқли безак», «Пазандалик» каби ўн иккита тўғарақ ўқувчилар билан гавжум. Янги ўқув йилидан бошлаб, «Компьютер графикаси ва дизайн» ҳамда «Оила ва саломатлик» тўғарақлари иш бошлади. Айни кунда марказда уч юз нафардан ортиқ ўқувчи бўш вақтдан унумли фойдаланиб, билимини бойитаяпти.

Бу ерда мактаб ўқувчиларини марказ фаолияти билан таништириш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ўтказиб борилади. Унда тўғарақ

раҳбарлари кўмагида ўқувчилар тайёрлаган ижодий ишлар билан танишиш мумкин.

— Айни пайтда марказ фаолиятини янада самарали ташкил этиш устида иш олиб боряпмиз, — дейди Паркент туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази директори Улуғбек Баратов. — Шу боис тўғарақларга маҳоратли мураббийларни жалб этаёپмиз. Уй ҳамшираларини тайёрлашга мўлжалланган «Оила ва саломатлик» тўғарагини яқинда очилганига қарамай, ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда ҳамшира Зилола Миржамолова раҳбарлигида биринчи тез тиббий ёрдам ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган назарий ва амалий машғулотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Ёш мусаввирлар» тўғараги ёш иқтидорлар учун санъат асарларини яратишда ўзига хос пиллапоё вазифасини ўтамоқда. Тўғарақ раҳбари Назокат Усмонова ўқувчиларга расмоллик сирларини астойдил ўргатиб келяпти. Тўғарақнинг фаол аъзоларидан бири Умиджон Абдуҳатов чизган расмларда болаларга хос беғуборлик яққол акс этиб туради. Унинг асарларида ранглар уйғунлиги шундай акс эт-

ганки, уни томоша қилган киши ўзини самимий туйғулар, беғуборлик оламига тушиб қолгандек ҳис қилади.

— Ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, иқтидори бўлади, — дейди «Ёш мусаввирлар» тўғараги аъзоси Умиджон Абдуҳатов. — Мана шу қизиқиш қўллаб-қувватланиб, истеъдод сайқалланса, янги иқтидор эгаси кашф этилади. Бунда «Баркамол авлод» болалар марказларининг ўрни алоҳида. Бу ерда ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши бўйича тўғарақларга аъзо бўлиб, истеъдодини шакллантириб бориши мумкин. Барчаси ўзимизга боғлиқ.

Марказдаги ижодкор ёшларнинг ишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. «Либослар дизайни» тўғараги аъзолари яратаётган ижодий ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бир-биридан жозибадор миллий либослар ўзига ром этади. «Пазандалик» тўғарагида эса ўқувчи-қизлар мазали таомлар тайёрлашни ўрганмоқда.

Бундай марказлар ҳар бир ўғил-қизнинг келажоги учун муҳим пойдевордир. Зеро, хаваскорлик меҳнатдан, ўқиш-ўрганишдан қочмаган кишини профессионализмга етаклайди.

Лайло ҲАСАНОВА

Iftixor

Ғолиблар ёруғ юз билан қайтди



Икки ҳафта давомида спорт мухлисларининг диққат марказида бўлган XVII Осиё ўйинлари Ўзбекистон спортчилари учун ҳам муваффақиятли якунланди. Нуфузли мусобақада 9та олтин, 14та кумуш ва 21та бронза медални қўлга киритган спортчиларимиз пойтахтимиз аэропортида тантанали кутиб олинди.

Ўзбекистон спортчилари Осиё ўйинларида 1994 йилдан иштирок этиб келади. Шу пайтга қадар вакилларимиз 54та олтин, 82та кумуш ва 93та бронза, жами 229та медалга сазовор бўлиб, энг катта қитъанинг етакчилари сафидан мустақам ўрин эгаллади. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилган бу йилги беллашувлар юртдошларимиз иштирокидаги олтинчи мусобақа бўлди ва ундаги натижаларни кўшганда, Осиё ўйинларида ўзбек спортчилари қўлга киритган жами медаллар сони 273тага етди!

Ҳар бир мусобақанинг ўз кашфиётлари, «юлдуз»лари бўлганидек, қитъа олимпиадасида ҳам ўзини ҳар томонлама кўрсата олган спорт усталари кўп бўлди. Улар орасида Ватанимиз байроғини, шаънини баланд кўтарган йигит-қизлар бор. Бекзод Абдурахмонов, Рашид Курбонов, Жасур Бойқўзиёв, Светлана Радзивил, Екатерина Воронина, Вадим Меньков, Алексей Мочалов, бадий гимнастика бўйича терма жамоамиз аъзолари, мусобақада соvrиндор бўлган ва шунга яқин келган, юртимиз шара-

фини муносиб ҳимоя қилган барча-барча спортчию мураббийлар, делегация аъзолари ҳақида фақат ва фақат илиқ сўзларни айтиш мумкин.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, мураббийлар, отоналар, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлган кутиб олиш маросимида сўз олганлар спортчиларимизни эришган юксак натижалари билан қутлади.

— Қандай мусобақада қатнашмай, фақат ғолиблик учун курашишга ўрганганман, чунки ортимда менга ишонган юртим, мухлислар борлигини ҳис қилиб турман, — дейди XVII Осиё ўйинлари ғолиби Вадим Меньков. — Бу гал чемпион бўлишимда ҳам мени ҳар томонлама тайёрлаган мураббийларим, менга далда бўлган мухлисларнинг ҳиссаси катта. Энди мақсадим 2016 йил Бразилияда ўтказиладиган ўттиз биринчи ёзги олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш ва унда зафар кучишдир.

Айтиб ўтганимиздек, Инчеонда бадий гимнастикачиларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этди. Жамоавий баҳсларда Жамила

Раҳматова, Равиля Фатхутдинова, Анастасия Сердюкова ҳамда Валерия Давидованинг чиқиши олтин медалга муносиб кўрилди.

— Нуфузли мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришимиз учун ҳамиша барча шароитларни яратиб берадиган, бизга ишонч билдирадиган, қўллаб-қувватлайдиган Юртбошимизга, ғойибона бўлса-да олқишлаб турган миллионлаб мухлисларимизга миннатдорлик билдираман, — дейди бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, XVII Осиё ўйинлари чемпиони Жамила Раҳматова. — Мамлакатимизда биз, қизларнинг жисмонан соғлом, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлишимизга алоҳида эътибор қаратилаётгани. Унга жавобан бундай ютуқларга қанча эришсак, кам деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам олдимизга доимо юқори мақсадлар қўйиб, ҳаракат қилишимиз, ғалабаларга



ЎЗА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган суратлар

эришимиз керак.

Дарҳақиқат, спортчиларимизнинг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар, жумладан, Осиё ўйинларида муваффақиятли қатнашишида Президентимизнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлди. Унинг ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган махсус дастурга асосан, спортчиларнинг бугунги кун талаблари доирасида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча шароит яратилди. Жанубий Кореяда бўлиб ўтган ўзига хос қитъа олимпиадаси мана шу тайёргарликнинг қай даражада олиб борилганлиги амалда кўрсатиб берди.

— Ҳар гал юртимиз байроғи баланд кўтарилганда кўксимда ифтихор ҳислари жўш уради, — дейди Осиё ўйинлари чемпиони Светлана Радзивил. — Шохсупага кўтарилар эканман, кўз олдимдан қувонч билан ҳайқираётган кўп сонли ишқибозлар ўтди. Ғалабалар ўз ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бу, авваламбор, биз, спортчиларга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг меvasи. Насиб этса, келгуси нуфузли турнирларда ҳам бор куч ва ғайратимизни ишга солиб, юқори натижаларга эришишга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Ta'lim taraqqiyoti

Ўн бир йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касбухона коллежида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш билан бирга, коллеж ҳамда олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга алоҳида эътибор берилади.

Ҳамкорлик самараси

Ушбу коллежда янги ўқув йилидан бошлаб «Кадастр иши инспектори», «Био ва иншоотлар бўйича техник архитектор», «Компьютер ва компьютер тизимларини соzлаш ва таъмирлаш техниги», «Тураржой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш» сингари йўналишларнинг очилгани айнаи мудоа бўлди. Бу эса Тошкент давлат иқтисодиёт ҳамда Гулистон давлат университетлари, Тошкент архитектура ва қурилиш, Тошкент ирригация ва мелиорация институтлари билан узвий йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришни талаб қилади.

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг коллежга, коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларининг олий ўқув юртларига ташрифи, турли ижодий учрашув ва давра суҳбатлари, таълим муассасалари ўртасида соҳа бўйича ўзаро тажриба алмашиш, тадқиқотлар олиб бориш юзасидан эришилган келишувлар эътиборга молик. Бу эса ўз навбатида, замон талабига мос тарзда жиҳозланган қурилиш ва дурадгорлик устахоналари, ўқув-лаборатория хоналарига эга мазкур коллежда мутахассислик фанларини ўқитиш ва таълим бериш сифатини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

Яқинда таниқли фан арбоби ва академиклар Аҳмаджон Ўлмасов, Муталибжон Йўлдошев ва Саидахорр Ғуломов билан коллеж жамоасининг учрашуви ҳақиқий байрам тусини олди. Унда олимларнинг китоб тақдироти ўтказилиб, муаллифлар коллеж ўқувчиларига ўз китобларини совға қилди. Бу эса ўғил-қизларнинг маънавий дунёсини янада бойитиб, соҳа сирларини чуқурроқ ўқиб-ўрганишга ундаши шубҳасиз.

Ҳамкорлик борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, Носир Қаландаров ва Олимжон Қудратов сингари ишлаб чиқариш таълими усталари, мутахассис кадрлар Германияга бориб, малака ошириб қайтмоқда.

Мана шундай ҳамкорликнинг қўлами ва уфқларини кенгайтириш олий ўқув юртларида таълимнинг навбатдаги босқичини давом эттираётган ёки ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, бунёдкорлик ва бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган коллеж битирувчиларининг фаолиятида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» мухбири

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Ёшлар терма жамоамиз Осиё чемпионатида

9 октябрь куни Мьянманинг Янгон шаҳридаги «Youth Training Centre» стадионида футбол бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати бошланади. Йигирма ёшли футболчилардан иборат Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам ушбу мусобақада иштирок этади.

Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги жамоамиз чемпионатнинг «В» гуруҳида Австралия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Индонезия ёшлар терма жамоаларига қарши майдонга чиқади.

Мазкур чемпионатда қитъамизнинг ўн олтита жамоаси қатнашади. Тўртта гуруҳдан биринчи ва иккинчи ўринни олган жамоалар чорак финалда бирйўла ярим финал

Jurnalning yangi soni

ҚЎЛИНГИЗДА — «ЁШ КҮЧ»

Мутолаани севувчи азиз ўқувчи! Журналнинг янги сонидан хабар топдингизми? Ҳа, аллақачон қўлингиздами? Келинг, унда биргаликда варақлаймиз.

«Дунёда мамлакат кўп, давлат кўп. Ҳар бирининг ўз турмуш тарзи, яшаш шароити бор. Ўз саноати, ишлаб чиқариши, иқтисодиёти бор. Иқлим шароити, шунга хос саховати, мева-чеваси бор. Лекин йил давомида тўрт фасл тугал келадиган, барча фасллар ўзининг тўкин-сочинлиги, мафтункор ва фусункор таровати, беқиёс гўзаллиги билан ташриф буюрадиган ягона малакат бор, бу ҳам бўлса — Ўзбекистон!» Жаннатмонанд юртимиз Ўзбекистонни қанча таърифласак, барибир кам. Журнал саҳифаларидан Юсуф Жўраевнинг Ватан ҳақидаги мушоҳадлари, шеърига ўрин берилган.

Бола азиз, одоби ундан азиз, деймиз. Мустақил юртимизнинг бахтли болалари ҳақида ҳикоя қилувчи «Юрт эъзозидаги болалар», «Биринчи синф боласи», мутахассис тавсиялари, тарбия ҳақидаги фикрларнинг бари болажонларга бағишланган.

«Камолот» лойиҳалари билан 6-, 7-саҳифаларда таърифласиз.

Таниқли шоир Кўчкор Норқобил «Назм» меҳмони. Унинг «Куз чизган сувратлар» туркумидаги шеърларини ўқисангиз, албатта, эстетик завқ оласиз.

Мактубларни ўқишга қизиқасизми? Қатортолга келган мактубларни бемалол ўқисангиз бўлади. Зерикмасдан ўқишда давом этаверсангиз, «Мавнавият дурдоналаридан» баҳраманд бўласиз.

Шунингдек, «Ёш куч» саволи, «Таассурот», «Фотоажойибот», «Биласизми?», «Гўзаллик сирлари», «Шунақа...ми?» рукнидаги маълумотлар ҳам эътиборга молик. «Кувноқ латифалар»ни ўқиб кайфиятни кўтариб олинг-да, «Учинчи ўлчамга саёҳат» қилинг.

Кейинги сонларгача хайр!

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» муҳбири

МЕН РАССОМ БУЛАМАН



Ёш мўйқалам соҳиблари ўзларининг ижод намуналарини намойён этиш баробарида, мурғак қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари куртак ёзмоқда.

Рустам Назарматов олган сурат

O'zbekiston tabiati

ҚАНОТЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ

Тинч, осойишта жойни қушлар ҳам билади. Улар осмони мусаффо, боғлари сокин, хуштабиат инсонлар яшайдиган юртни ўзларига макон қилади. Шифтига қалдирғоч, бўғотига чумчуқ уя солмаган қишлоқ уйини кўрганмисиз? Дарҳақиқат, инсоният ва қушлар ўртасидаги азалий муносабатларда теран ҳикмат бор.

Юртимизда қанотли дўстларимизнинг тўрт юздан ортиқ тури учрайди. Улардан 110 тури Ҳисор қўриқхонаси ҳудудида доимий яшовчи, 115 тури эса миграция даврида учиб ўтувчи қушлардир.

Қушлар синфидан қора ғажир, болтаютар, қумой, бургут, оқ бошли қумой, қора лайлак, итолға ва лочин Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Ҳисор қўриқхонасида ар-

чазор болтатумшуғи, қизилбош ва арчазор читтаги яшайди. Қўриқхона ҳудудида энг кўп тарқалган қуш бу какликдир, унинг сони 38 мингдан ортиқ. Қўриқхонанинг катта баргли ўрмонларида гов каптар, болтатумшук, зарғалдоқ, қор қарқуноғи, майна, қорашақшақ, олашақшақ ва жануб булбули кенг тарқалган.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА
тайёрлади.



ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

1844 йилда кимёгар Чарлз Гудйир каучук ва қалайни ошхона печкасида қиздириб аралаштиради ва учинчи моддани ҳосил қилади. Ток ўтказмас мазкур моддани инсталланган шаклга киритиш ҳам мумкин эди. Бу кашфиёт кейинчалик электротехника соҳасида бемисл аҳамиятга эга бўлди.

Айтинг-чи, Гудйир ўшанда нимани ихтиро қилган?

Жавобингизни 10 октябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Работи Ўғуз қишлоғида туғилгани учун шу тахаллусни олган.

Андижон тумани Найман қишлоғидан Икромжон Мансуров биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллади.

SUDOKU

			7	5				9				7	6				3	
				2	5	1						4	3			9		
4						7	2					3	2			7	5	6
7					3	2	8					4		1				
													8			7		
			5	1	9									3			2	
								9					6	2	8		1	9
8				3									7			6		
						6						9			3		7	

YONDAFTARCHANGIZGA

Оқил чин сўздин ўзгани демас,
Аммо барча чинни ҳам демас — оқил иши эмас.

Алишер Навоий